

# Farg'ona haqiqati

Ijtimoiy-siyosiy, ma'naviy-ma'rifiy gazeta

<http://farhaqiqat.uz/>
[t.me/farhaqiqati](https://t.me/farhaqiqati)

## ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИДА



## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИХАЛАР МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Япония, Сингапур ва Малайзия компаниялари вилоятимизга инвестиция киритишни режалаштирмоқда. Шу мақсадда Фарғонага ташриф буюрган тадбиркорлар делегациясини вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров қабул қилди.

Учрашувда мазкур давлатлар вакиллари тақдим қилган таклифлар, жумладан, вилоятимизда озик-овқат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, ичимлик сувини қайта ишловчи технологияларни жорий этиш, пахтадан тайёр материаллар тайёрлаш, пальма ёғини тозаловчи завод қуриш каби истиқболли лойиҳалар муҳокама қилинди, туризм, ахборот технологиялари соҳаларидаги ҳамкорлик бўйича келишиб олинди.

## ЖУРНАЛИСТ МУНОСАБАТ БИЛДИРАДИ

## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ АҲОЛИНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИГА АЙЛАНДИ (МИ?)

Бугунги кунда Президент ва республика ҳукумати катта ишонч билдираётган маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳоким ёрдамчиларнинг, халқ тили билан айтганда, анчагина "қўллари узун". Улар аҳолига тадбиркорликни ривожлантириш, касбга ўқитиш, янги иш жойларини яратиш, ер, кредит, маҳалла инфратузилмаси каби масалаларда яқиндан кўмак бериб келишмоқда.



Ҳоким ёрдамчиларига рўйхати шакллантирилган 21 та масалада кредит, субсидия, грант ва моддий ёрдамга тавсия бериш ваколати берилган. Оилавий тадбиркорлик дастурлари доирасида маҳалладаги хонадонларга ва янги ташкил этилаётган тадбиркорлик субъектларига молиявий кўмак бериш учун ажратилган кредит ресурслари лимити ҳам улар ихтиёрида. Савол туғилади: ҳоким ёрдамчилари юқорида тилга олинган ваколатларидан унумли фойдалана олаётими? Улар аҳолининг яқин кўмакчисига айланди...ми?

Маълумки, ҳоким ёрдамчиси фаолияти КРП тизими орқали, яъни самарадорликнинг 10 та кўрсаткичи уларнинг хатлов асосида йиғилган маълумотларнинг тўлиқ ва аниқлиги, кредит чиқаришдаги жараён ва самарадорлик, фуқароларнинг ўзини ўзи банд қилишдаги натижалари, маҳалладаги тадбиркорлик субъектлари сони ва фаолияти, аҳоли бандлигини таъминлаш кўрсаткичи, камбағалликни камайтириш ҳамда ишга жойлаштириш, ишсизларнинг билим ва кўникмаларини ошириш учун ўқув курсларига йўналтириш бўйича амалий ишлари инсон омилсиз таҳлил қилиб борилади.

Ўтган йили вилоятимиздаги 1062 та маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчилари самарадорлик кўрсаткичлари "онлайн маҳалла" платформаси орқали баҳоланди. Таҳлиллар шуни кўрсатдики, вилоят бўйича умумий самарадорлик 100 баллик тизимда 89,23 баллни ташкил этди. Бу яхши кўрсаткич. Аммо бу маҳалла фуқаролар йиғинларидаги ҳоким ёрдамчиларнинг ҳаммаси ижобий натижа кўрсатди, дегани эмас.

(Давоми 3-бетда).

## ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ "КЕЛАЖАК ЎЙИНЛАРИ"НИНГ ОЧИЛИШ МАРОСИМИДА ИШТИРОК ЭТДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев Қозон шаҳрида "Келажак ўйинлари" биринчи халқаро мультиспорт мусобақасининг тантанали очилиш маросимида иштирок этди.



"Қозон-Экспо" халқаро кўرғазмалар марказида бўлиб ўтган тадбирда Россия Федерацияси Президенти Владимир Путин, Беларусь Президенти Александр Лукашенко, Қозғистон Президенти Қосим-Жомарт Тоқаев, Қирғизистон Президенти Садир Жапаров, Тожикистон Президенти Эмомали Раҳмон ва бошқа хорижий меҳмонлар ҳам қатнашди. Иштирокчилар эътиборига "Келажак ўйинлари" дастурига кирган спорт турлари ҳақида видеолаваҳа ва театрлаштирилган сахна кўриниши тақдим этилди.

Давлатимиз раҳбари иштирокчиларга омад тилаб, 2026 йилги "Келажак ўйинлари"ни Ўзбекистонда ўтказишни тақлиф этди.

Маросимдан сўнг олий мартабали меҳмонлар махсус кўрғазма билан танишди. Виртуал макондаги беллашувлар ва анъанавий спортни ўзда мужассам этган "физик-спорт" концепцияси тўғрисида маълумот берилди.

Турнирда 100 дан ортиқ мамлакатдан қарийб 300 та жамоа, шу жумладан, Ўзбекистон вакиллари иштирок этмоқда.

## БАҒДОД, УЧКЎПРИК ТУМАНЛАРИГА ҲОКИМЛАР ТАСДИҚЛАНДИ

Шу ҳафтада халқ депутатлари Бағдод, Учкўприк туманлари Кенгашларининг навбатдан ташқари сессиялари бўлиб ўтди.

Халқ депутатлари Бағдод тумани Кенгаши сессиясида вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров томонидан тавсия этилган Солиев Ганижон Шералиевич номзоди депутатлар томонидан қўллаб-қувватланди ва у туман ҳокими этиб тасдиқланди.

Ганижон Солиев 1979 йилда Бағдод туманида туғилган. Тошкент молия институтини тамомлаган. Меҳнат фаолияти давомида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ижтимоий соҳа ва аҳолини молиялаштириш бош бошқармаси, вилоят молия бошқармаси, Учкўприк, Бағдод туманлари ва Фарғона шаҳар молия бўлимларида масъул лавозимларда ишлаган. Олтириқ ва Бағдод туманлари ҳокимларининг ўринбосари бўлиб хизмат қилган. Мазкур лавозимга тасдиқлангунга қадар туманининг "Хўжақиллоқ" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси бўлиб ишлаган.

Халқ депутатлари Учкўприк тумани Кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида депутатлар "Узсаноатқурилишбанк" АТБ Фарғона минтақавий филиали бошлиғи лавозимида ишлаб келётган Эркабобов Қодиржон Носиржоновични туман ҳокими этиб тасдиқладилар.

Қодиржон Эркабобов 1988 йилда Бешариқ туманида туғилган. Фарғона политехника институтини тамомлаган. Меҳнат фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Фарғона вилояти бош бошқармасида бошлаган ҳамда 2020 йилга қадар масъул лавозимларда фаолият олиб борган. 2019-2021 йилларда мазкур банк вилоят бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари, биринчи ўринбосари бўлган.



## ИСЛОҲОТ ОДИМЛАРИ

## БЕШАРИҚЛИКЛАР БИЛАГИДА КУЧ, ЮРАГИДА ОЛОВ БИЛАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ БОРМОҚДА



Фарғона вилоятининг Ўзбекистон ва Фуқат, Тожикистон Республикасининг Қонибодом ва Ашт туманлари билан чегарадош бўлган Бешариқ тумани бугун кўп соҳаларда илғор ҳудудлардан бирига айланди. Айниқса, ижтимоий-иқтисодий, саноат, қишлоқ хўжалиги, кичик бизнес ва тадбиркорлик соҳаларида қўлга киритилган ютуқларда 240 мингдан ортиқ аҳолининг ҳиссаси катта. Уларнинг орзулари мўл, мақсадлари муштарак, ҳаракатлари дадил. Шу сабабли ҳам мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш орқали туман иқтисодиётини мустаҳкамлаш, бунёдкорлик ишларини жадаллаштириш ва аҳоли яшаш шароитларини янада яхшилаш борасида ўтган 2023 йилда ҳам барча кўрсаткичларда сезиларли ўсишга эришилди.

Авалло айтиш керакки, туман пасттекислик, қир, тошлоқ ва кумли чала чўллардан иборат бўлса-да, қулай табиий шароити илдамликка замин яратмоқда, энг асосийси, меҳнаткаш аҳоли сўз ва иш бирлигини таъминлаётгани асосий ютуқларнинг омили бўлмоқда. Албатта, нимагаки эришилган

бўлса, булар – тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш, халқ фаровонлиги, турмуш шароитини яхшилаш учун қилинган ишлар натижаси.

Билағида куч, юрағида олови бор бешариқликларнинг жорий 2024 йилдаги асосий мақсади ислохотларни бардавон эттиришдир. Улар ҳар соҳада янгиликларни, ўзгаришларни хоҳлашапти. Демакки, умумманфаат йўлидаги эзгу ниятлар амалга ошади. Туманда Президентимиз бошлаб берган ислохотларни тизимли олиб бориш орқали жорий йилда қуйидаги мақсадли кўрсаткичларга эришиш режалаштирилган.

(Давоми 2-бетда).

## ✓ ИСЛОХОТ ОДИМЛАРИ

# БЕШАРИКЛИКЛАР БИЛАГИДА КУЧ, ЮРАГИДА ОЛОВ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда). Туманда 2024 йилда жами қиймати 3 трлн. 326 млрд. сўмлик 575 та лойиҳани амалга ошириш кўзда тутилган. Бу маблағнинг 645,2 млрд. сўми лойиҳачилар ҳиссасига тўғри келади, 345,4 млрд. сўми банк кредити ва 2 трлн. 336 млн. сўми хорижий инвестициядир. Чет давлатларнинг сармояси иштирокидаги 13 та лойиҳанинг амалга оширилиши натижасида 370 та янги иш ўринлари ташкил этилади. Шунингдек, Жаҳон банки иштирокида қиймати 33,9 млн. АҚШ долларлик 7 та лойиҳа татбиқ этилади.

Асосий драйвер ҳисобланган йўналишлардан бирини санаят тармоғи деб билсак, шу соҳада 80 та лойиҳа амалга оширилади. Уларнинг қиймати 176,5 млрд. сўм бўлиб, 1489 та янги иш ўринлари яратилади. Хизмат кўрсатишда эса 412 та лойиҳани ишга тушириш бўйича керакли чора-тадбирлар ишлаб чиқилган.

Қишлоқ хўжалиги соҳасида туман вилоятда алоҳида салоҳиятга эга. Мирришкор деҳқонлар, фермер хўжаликлари,

ташаббускор тадбиркорлар томонидан жорий йил давомида 100,1 млрд. сўмлик 51 та лойиҳанинг ишга туширилишини алоҳида айтиб ўтиш жоиз. Бу иқтисодий кўрсаткичларга ижобий таъсир кўрсатиши қаторида 196 нафар фуқарони доимий иш билан таъминлаш имконини беради. Худди шу каби қурилиш соҳасида 244,1 млрд. сўмлик 19 та лойиҳа татбиқ этилади.

Юқоридаги лойиҳаларни ишга тушириш, мавжуд қувватлардан самарали фойдаланиш ҳамда уларни кенгайтириш натижасида 2024 якуни билан санаят маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажми 1 471,9 млрд. сўмга етказилди. Бу ўтган йилга нисбатан 110,3 фоизга ўсиш демакдир. Бу кўрсаткичларда "Farg'ona Yasin qurilish mollari", "Lux Yan tex", "Бешарик Крушер", "Дружба" МЧЖларнинг ҳиссаси катта бўлади.

Шундай ўсиш суръатлари қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш, жами хизматлар ва қурилиш соҳаларида ҳам кузатилади. Жумладан, савдо хизматлари йўналишида 151 та, транспортда 5 та, маиший хизматда 29 та, соғлиқни

сақлашда 17 та, таълим тизимида 22 та, алоқа ва ахборотлаштиришда 2 та, шунингдек, бошқа йўналишларда 179 та лойиҳа ишга туширилади.

Истиқболли лойиҳаларга мисол келтирадиган бўлсак, "Яккатут деҳқон бозори" МЧЖда савдо ва хизмат кўрсатиш фаолияти ташкил этилади. "Yakkatut med sentr", "Vodiy med sentr" МЧЖ, "Rapqon diagnostika" хусусий корхонаси, яқка тартибдаги тадбиркорлар Зафаржон Қаландаров ва Гафрат Раҳимов аҳолига сифатли тиббий хизмат кўрсатишни йўлга қўйса, Муҳаммадризо Эргашев савдо, "Sherwood dizayn" МЧЖ хусусий умумтаълим мактабини ташкил этади. "Покиза" хусусий корхонасининг эса тиббий хизмат кўрсатиш фаолияти кенгайтирилади.

Кейинги йилларда мамлакатимизда туризм соҳасига катта эътибор қаратилмоқда. Туман қўшини Тожикистон Республикаси билан чегарадош бўлганлиги сабабли бу йўналишда қулай имкониятлар мавжуд. Шу



## БИЛАН РИВОЖЛАНИШ ЙЎЛИДА ДАДИЛ БОРМОҚДА

йилнинг ўзиде туризм йўналишида 104,1 млрд. сўмлик 6 та лойиҳа амалга оширилади. Масалан, "Сариқамиш" қўли худудида овчилик ва экотуризм ташкил этилади. Шунингдек, қўйма ва енгил конструкцияли савдо ва сервис объектларини ташкил этиш учун 204 та ер майдонлари аукцион савдоларига чиқарилади.

Бунёдкорлик туманда йил бўйи давом этади. Бу соҳада қатор лойиҳалар ишлаб чиқилган. Уларнинг татбиқ этилиши натижасида 382,4 млрд. сўмлик ишлар бажарилди. Аҳолининг турар жойга бўлган эҳтиёжини қоплаш мақсадида 725 та хонадондан иборат 14 та кўп қаватли уйлар қурилади. Лойиҳалар умумий қиймати 224 млрд. сўмни ташкил этади. Шунингдек, инфратузилма, ижтимоий соҳа объектларида режалаштирилган ишлар амалга оширилади.

Бу йил туман бўйича 23 891 гектар майдонга озиқ-овқат экинлари экилади. 93,6 минг тонна сабзавот, 9,2 минг тонна гўшт, 112 минг

тонна сут, 105 млн. дона тухум, 7,7 минг тонна балиқ маҳсулотлари етиштирилади. 3780 гектар ер майдонига сув тежовчи замонавий технологиялар жорий этилади.

Бундай амалий сайёҳаракатлар билан кўзланган мақсадга албатта эришилади. Бунга ишончимиз комил. Агар туман маҳалли йилда эса ушбу кўрсаткич 1004,0 миллиард сўмга етказилди ва ўтган йилга нисбатан 113,8 фоизга ўсиш демакдир. Бу йилда 14 млрд. сўмга ошириш кўзда тутилган. Экспорт ҳажми эса салкам икки баробарга кўпайтирилиб, 30,7 млн. АҚШ долларига етказилди.

Бир сўз билан айтганда, Бешарикда Президентимиз томонидан белгилаб берилган вазифаларни сектор, бўлим ҳамда ташкилот раҳбарлари, фаоллар билан биргаликда бажарилиши бўйича тизимли иш ташкил этилади. Тумани ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш йўналишида нафақат вилоятда, балки республикада юқори натижага эришилади.

## САНОАТ- ТУМАНДА ЕТАКЧИ ТАРМОҚ

Бугунги кунда туманда 359 та корхона фаолият кўрсатмоқда. Ўтган йилда санаят корхоналари томонидан 1079,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар ишлаб чиқаришга эришилди ва 2022 йилнинг мос даврига нисбатан ўсиш суръати 108,7 фоизни ташкил этади. Хусусан, 16 та янги лойиҳалар ишга туширилиб, 64,2 миллиард сўмлик маҳсулотлар тайёрланди, 684 та янги иш ўринлари яратилди.

Бешарикда ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар алақачон мамлакат миқёсида ўз брендига эга. "Beshariq comfort servis" МЧЖ трансформаторлари, "Lola quality tex" МЧЖ трикотаж маҳсулотлари, "Miolar textile" МЧЖ кийим-кечаклари, "Farg'ona Yasin qurilish mollari"нинг қуввати юқори цементи, "Sherwood" мебеллари хорижий давлатларга йўл олганига кўп бўлди.

Туман санаятчиларининг шаштарли янада баланд. Бу йил ишлаб чиқариладиган маҳсулотлар ҳажмини 1471,9 миллиард сўмга етказиш кўзда тутилган. Албатта, бунинг учун мавжуд имкониятлардан янада самарали фойдаланилади, янги лойиҳалар амалиётга татбиқ этилади. Энг муҳими, экспорт салоҳиятини ошириш орқали туман иқтисодий ривожланишига салмоқли улуш қўшилади.

## "SAMIRA TEXTILE" КАТТА ЙЎЛ ЁҚАСИДА



Туманинг "Қият сартол" маҳалла фуқаролар йиғинида яшовчи Жуманазар Аҳмедов "Samira textile" масъулияти чекланган жамиятига асос солди. Хитойдан замонавий технологияларга асосланган дастгоҳлар олиб келди. Йилга 20 минг дона оёқ кийимлари устки қисмини тўқишни йўлга қўйди. Маҳалладаги 15 нафар ёшларни доимий иш билан таъминлади.

– Тўқиш ишларини компьютерлаштирилган тизим бошқаради, – дейди корхона иш юритувчиси Нодирбек Баҳромов. – Ходимлар дастгоҳни тўғри ишлаши, янги моделларни электрон тарзда киритишни тезда ўрганиб олишди.

Тадбиркор айна кунларда маҳсулотларини хорижий ҳамкорларга таклиф қилиш билан бирга, корхона фаолиятини кенгайтириш таррадутида. Худудда қурилиш ишлари давом этмоқда. Бу ерда тикувчилик цехини барпо этиш, яқин атрофда яшовчи хотин-қизларни ишга жойлаштириш режалаштирилган.

## ТИКУВЧИЛИК ЦЕХИ МАҲАЛЛА БИНОСИДА

"Абдуразақот ота" маҳалла фуқаролар йиғини биносининг бўш турган хоналаридан унумли фойдаланиш мақсадида тикувчилик цехи ташкилланди ва давлат – хусусий шерикчилик асосида иш бошлаган "Рапқон фаровони" масъулияти чекланган жамияти томонидан тайёр трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш йўлга қўйилди. 30 нафар хотин-қиз иш билан таъминланди.



– Субсидия асосида тикувчилик машинаси олган 250 нафар хотин-қизларни тўртта худудда ташкил этилган мана шундай тикувчилик цехларига ишга жалб этдик, – дейди цех бошлиғи Гулжаҳон Турсуналиева. – Асосан, буюртма асосида спорт енгил кийимлари тикилмоқда. Ишчиларга барча қулайликлар муҳайё қилингани меҳнат унумдорлигини оширапти.

Махсума Қодирова тикувчиликка қизиққани боис, бу хунарни обдон ўрганган. Авваллари уй шароитида ишлаб, қачонки буюртма бўлса, даромад топарди, эндиликда "Рапқон фаровони" МЧЖга ишга кирди-ю, қўли-қўлига тегмай қолди.

– Қўплашиб тикканда иш унумли бўларкан. Бир кунда 250-300 тагача спорт кийимларига

ёқа ва енг тикаман. Уларнинг сифатли чиқишига жиддий эътибор бераман. Чунки чиройли бичим ва тоза чок буюртмачининг асосий талаби. Маҳсулотнинг харидорғир бўлиши ҳам мана шундан, – дейди Махсума.

## ҚУРИТИЛГАН МЕВАЛАР — ХОРИЖГА

Бугунги кунда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик мамлакатимиз ички бозорини товар ва хизматлар билан таъминлашда, экспорт салоҳиятини оширишда ҳамда аҳоли бандлиги таъминлашда муҳим ўрин тутмоқда.



Бешарикликлар қишлоқ хўжалигида анча илгор саналади. Жорий йилда 17,8 миллион АҚШ долларлик қуруқ ва ҳўл мева, дуккакли ҳамда полз маҳсулотларини Хитой ва МДХ давлатларига экспорт қилиш режалаштирилган.

"Янгиқўрғон" маҳалла фуқаролар йиғинидаги "Trust agro" масъулияти чекланган жамиятида ишлар қизғин. Ўтган йилнинг август ойида ишга туширилган мазкур корхонада йилга 5 минг тонна маҳсулот қайта ишланади, йиллик экспорт ҳажми 988 тоннани ташкил этади. Бу ерда асосан олхўри, ўрик, ёнғоқ мағзи, майиз ва бошқа турдаги қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари хорижий технологиялар асосида қурилади.

– Меваларни мавсумда аҳолидан сотиб оламиз, бодомни эса қўшни вилоятлардан олиб келиб ишлов берамиз, – дейди тадбиркор Топиболди Мадраҳимов. – 60 та доимий иш ўрни яратганмиз. Бундан ташқари, маҳалламиздаги 120 нафар фуқарони касаначилик асосида банд қилганмиз. Қуритилган маҳсулотларни Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Хитой, Литва ва Польша давлатларига етказиб бераймиз.

## 80 МИНГ БОШ ТОВУҚ, 55 МИЛЛИОНТА ТУХУМ

Бу рақамлар айна ҳақиқат. "Водий насли парранда" фермер хўжалиги раҳбари Боҳиржон Турдалиев паррандачиликка асос солганига 30 йилдан ошди. 2023 йилда эса "Ватан" маҳалла фуқаролар йиғини худудида 10 миллиард сўм маблағ эвазига Германия технологиялари асосида замонавий паррандачилик мажмуасини ишга туширди.

Бу ерда 80 минг бош товуқ боқилади. Кунига 82 минг донадан ортиқ тухум олинади. Республика миқёсида бозорларига ва Афғонистон Республикасига сотилади.

– 2023 йилда 48 миллион дона тухум етиштирилган бўлсак, бу йил 55 миллион донага етказишни ният қилганмиз, – дейди Боҳиржон Турдалиев. Мажмуада 3-4 қаватли замонавий катаклар бўлиб, паррандаларни боқидан тортиб, тухумларни йиғиштириб олиш ишлари янги авлод дастгоҳлари ёрдамида бажарилди. Ха айтганча, мазкур комплекс ёнида 80 минг бош парранда боқишга мўлжалланган яна бир бино қурилади. Яқин кунларда бу ерда ҳам товуқ боқилади.

Эътиборлиси, шу йилда туманда паррандачиликка асосланган, йиллик қуввати 51,2 миллиард сўм бўлган 13 та истиқболли лойиҳа ишга туширилади.

## "SHERWOOD KIDS" – БОЛАЖОНЛАРИНИНГ СЕВИМЛИ МАСКАНИ

Бешарик тумани марказида қад кўтарган замонавий бинода "Sherwood kids" мактабгача таълим ташкилоти иш бошлади. Қўлай шароит, меҳрибон ва профессионал тарбиячилар, замонавий жиҳозлар, ақлий имкониятларни ривожлантириш учун ишлаб чиқилган самарали дастурларнинг барчаси кичкинтойлар учун.

– Боғчамиз 150 ўринли бўлиб, ҳозирда 60 нафар болажонларни қабул қилдик, – дейди лойиҳа раҳбари Шерзод Эркабоев. – Рус ва инглиз тилларига ихтисослашган мазкур муассасада таълим-тарбия жараёнлари миллий ҳамда Германия, Финландия ва Япония таълим дастурлари асосида олиб борилади. Шу кунларда боғчанинг узвий давоми бўлган хусусий мактабини ташкиллаш таррадутида.

## ТИББИЙ ТУРИЗМ РИВОЖ ТОПДИ

Худудда алақачон тиббий туризм ривож топган десак муболага бўлмайди. 2023 йил якуни бўйича 32 та хусусий клиникалар фаолияти йўлга қўйилган бўлса, бу кўрсаткич 2024 йилда 49 тага етади.



Йил бошидан "Янги ҳаёт" маҳалла фуқаролар йиғинида жойлашган пахта заводининг фойдаланилмай турган биносида 50 ўринли "Vodiy med sentr" масъулияти чекланган жамияти иш бошлади.

Травмотолог врач Азизбек Содикжоновдан шифо ёстаб келувчиларнинг сон-саногии йўқ. Беморлар нафақат Бешариғу қўшини туманлардан, балки Тожикистон Республикасининг чегарадош худудларидан ҳам келишади.

– Шифокорларимизнинг барчаси малакали, катта тажрибага эга, – дейди Азизбек Содикжонов. – Қолаверса, клиника энг сўнгги русумдаги тиббий технологиялар билан жиҳозланган. Бу эса беморларга аниқ ташхис қўйиш ва сифатли муоалажалар ўтказиш имкониятини бермоқда.

Шифо маскани кўп тармоқли бўлиб, терапевт, травматолог-ортопед, окулист, гинеколог хизматлари мавжуд, физиотерапия, лаборатория хоналари фаолият кўрсатмоқда.

## ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ТИЗИМИДА ЎСИШ СУРЪАТИ

Хизматлар соҳасини ривожлантириш ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётини шакллантиришнинг энг муҳим шартларидан бири ҳисобланади. Хизматларнинг хилма-хиллиги аҳолининг катта қисмининг ҳаёт сифати ва фаровонлигини яхшилаш имконини беради.

2023 йил давомида туманда хизматлар кўрсатиш ҳажми 765,6 миллиард сўмни ташкил этади. Бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан 110,3 фоизга ошганини кўрсатмоқда. Жорий йилда эса ушбу кўрсаткич 1004,0 миллиард сўмга етказилди ва ўтган йилга нисбатан 122,2 фоизга ортади.

Йил бошидан мавжуд имкониятлардан самарали фойдаланиш ҳолда, хизматлар умумий ҳажмида паст улушларни қўрсатаётган соҳалардаги муаммоларни аниқлаш ва улар фаолиятини изчил йўлга қўйиш бўйича чора-тадбирлар ишлаб чиқилгани кўзланган мақсад сари дадил одим бўлмоқда.

## БУНЁДКОРЛИК, ОБОДЛИК – ҲАР БИР МАҲАЛЛАДА



Бугун қаерга қараманг, қурилиш ишлари авж олмақда. Бунга Бешарик тумани мисолида ҳам гувоҳ бўлиш мумкин. Ҳозирда аҳоли эҳтиёжи ва талабларидан келиб чиқиб, янги турар жой бинолари қад ростламоқда. Хусусан, жорий йилда "Ҳамид Олимжон", "Рапқон", "Файзобод", "Янги ҳаёт" каби қатор маҳалла фуқаролар йиғинларида янги кўп қаватли уйлар қад рост-лади.

– Аҳоли сони ортиб бораётганини инобатга олиб, кўп хонадонли турар жойлар қуришга эътиборни кучайтиряймиз, – дейди туман ҳокими Расулжон Жўраев. – Шу орқали фуқароларимизнинг ўз хонадони бўлишига эришамиз. Қачонки, кўнгилда гўзалликка, яшаришга интилиш бўлсагина, тўрт томонинг обод ва кўркем бўлади. Мен оиланинг боши бўлиб, ўғлим ва қизимни ёнимга олсам, бир ёки икки соат вақт ажратиб кўчамда, хонадонимда ободончилик ишларини ташкилласам – олам гулистон. Агар 42 мингдан ортиқ хонадонда бу анъана давом этса, қарабисизки, туманимиз боғу бўстонга, энг обод худудга айланади. Жамоли, кўрки кишини ҳайратга соладиган даражада ўзгариб, яшанб бораверади.

Туманда бунёдкорлик қатори, ободончиликка ҳам эътибор ортган. Ўзи истиқомат қиладиган худудни янада обод этиш истагида яшаётган бешарикларнинг эзгу ишларига ҳар бир маҳаллада гувоҳ бўлиш мумкин.

Дарҳақиқат, бешарикликлар билан биргача, юрагиде олов билан хайрли ишларга шай. Туманининг ҳар соҳада илгорлашиб бораётгани айна яхши ниятлар, янгиликка интилиш, эзгу амалларга хоҳишининг юқорилиғидир. Бунинг самараси, юқорида бир неча мисоллар келтирганимиздек, туманининг фидойи санаятчилару, ташаббускор тадбиркорлари, заҳматкаш фермерлари-ю, қўли гул қурувчилари, ҳар ишда фаол ёшлар меҳнатлари натижасида, энг муҳими, ҳалқ кайфиятида акс этмоқда.

Саҳифани Рустам ОРИПОВ ва Маҳиёра БОЙБОБОВА тайёрлади.

МАЪНАВИЯТ АСОСИ:

# КЕЛАЖАК – МАЪРИФАТЛИ ЁШЛАР ҚЎЛИДА

Сўнгги йилларда барча соҳаларда амалга оширилаётган кенг қўламли ислохотлар ёшларимизни ҳар жиҳатдан баркамол инсонлар этиб воёга етказишга қаратилмоқда. Ёшлар маънавиятини юксалтириш, уларда ватанпарварлик, дахлдорлик туйғусини тарбиялаш бугунги кунда тобора долзарб аҳамиятга эга бўлиб бормоқда. Ўтган йилнинг декабрь ойида бўлиб ўтган республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган йиғилишида Президент Ш.Мирзиёев ёшлар таълим ва тарбияси ҳақида сўз юритиб, "Тарихдан маълум, Ватан ва халқ тақдирига нисбатан таҳдидлар кучайган вазиятда айнан миллат фидойилари – уйғоқ қалбли зиёлилар, шоир ва адиблар, санъат намояндалари, маънавият ва маърифат соҳаси ходимлари жасорат билан майдонга чиққанлар. Мамлакатимиз ўз тараққиётининг янги, юксак босқичига кираётган ҳозирги пайтда бизга жаҳид боболаримиз каби ғарб илм-фан ютуқлари билан бирга, миллий қадриятлар руҳида тарбия топган етук кадрлар сув билан ҳаводек зарур", – дея таъкидлади.



Рустам ТОЖИЕВ,  
Озиқ-овқат технологияси  
ва муҳандислиги халқаро  
институтининг ректори

Ўзбекистон раҳбари келажак учун энг самарали сармоя ёшларга сифатли таълим ва яхши шарт-шароит яратиш эканлигини назарда тутиб, ушбу йилга "Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили" деб ном берди.

Қайд этиш лозимки, ёшларга оид давлат сиёсати, турли давлат дастурлари асосида айни вақтда таълим, шу жумладан, ижтимоий соҳа учун харажатлар миқдори давлат бюджетининг асосини ташкил этмоқда.

Таълим сифатини ошириш борасида ҳар қандай молиявий муаммоларга тез ғуфуратда ечим топилаётганига мисол сифатида ўтган йилда Фарғонада Қишлоқ хўжалиги вазирилик ҳамда Уммон Султонлигининг "Atyab international services" компанияси иштирокида Жаҳон банкнинг "Фарғона водийсида қишлоқ тадбиркорлигини ривожлантириш" лойиҳаси доирасида Озиқ-овқат технологияси ва муҳандислиги халқаро институтини фаолият бошлаганини айтиш мумкин.

Бугунги кунда олийгоҳимизда халқаро тенденцияларни акс эттиришга мослашган "Илмга асосланган, амалиёт ва бизнесга йўналтирилган таълим" тамойили асосида халқаро тан олинган сифат стандартларини жорий эта оладиган юқори малакали мутахассислар, озиқ-овқат маҳсулотларини қайта иш-

лаш соҳасида кичик ва ўрта бизнес учун рақобатбардош технологиялар, жараёнлар ва тармоқларни ривожлантирадиган мукамал технологлар, етук кадрлар ва бизнес раҳбарлари тайёрланмоқда.

Дарвоқе, замонавий соҳалар билим-донлари салоҳияти ҳар жиҳатдан етук бўлиши бугунги ёшларнинг қандай инсон бўлиши ҳаётга кириб боришига боғлиқ. Шу боис, ўсиб келаётган авлоднинг юксак маънавий-ахлоқий руҳда тарбиялаш, уларда маънавий жасорат туйғусини шакллантириш, турли мафкуравий-маънавий таҳдидлардан ҳимоя қилиш бугуннинг долзарб масаласидир.

Аждодларимиз азалдан фарзанд таълим-тарбиясига миллат келажаги учун қайғуриш, бахтли-саодатли умр кечириш, ўзгаларга тобе бўлишдан ҳимояланиш, бир сўз билан айтганда, ҳаёт-мамат масаласи сифатида қараган. Бунинг натижасида маърифат ва маънавий тарбиянинг метиндек мустаҳкам қоибига айланиб, буюк мутафаккирлар, олимлар ва фузалолар етишиб чиққан.

Бугунги шиддаткор ахборот хуружлари ва маънавий таҳдидлар ҳавфи ортиб бораётган, мафкура полигонлари ядро полигонларидан ҳам кўпроқ кучга эга бўлиб бораётган, инсон онгу шуурини эгаллашга уринишлар кучайган бир пайтда ёшларни ижтимоий тармоқларнинг

хавф-хатаридан асраш муҳим аҳамият касб этмоқда.

Ҳақиқатан, ижтимоий тармоқларда ахборот оқимлари шу қадар кўпайиб кетдики, ўсимлар у ёқда турсин, ҳатто ақлу хушини йиғиб олган инсонлар ҳам уларнинг қай бири тўғри ёки нотўғри эканини билмай қолмоқда. Бундай шароитда катта тажрибага эга бўлган зиёлилар ёшларга йўл-йўриқ кўрсатиши мақсадга мувофиқдир.

Президентимиз "таълим даргоҳи – маҳалла – ота-она" ҳамкорлиги мустаҳкам бўлиши кераклиги ҳақида такрор-такрор гапиряпти. Бу даврда ҳар бир ота-она фарзандига жуда катта маънавий далда бўлиши керак. Оталар ўғиллари билан, оналар қизлари билан яқин дўст, ҳамфикр, сирдош бўлиши лозим. Афсуски, айрим ота-оналар кундалик ҳаёт ташвишлари билан шу қадар банд бўлган ҳолда, фарзандларини эътиборсиз қолдирмоқда.

Воёга етмаганлар томонидан содир этилаётган жиноятлар таҳлил қилинганда, уларнинг аксарияти ота-онани ва яқинларининг меҳрига тўймай ўсаётган, уларнинг тарбияси ва ғамхўрлигидан бебаҳра улғаяётган, ота-онани ўз ҳолига ташлаб қўйган ўсимлар томонидан содир этилаётгани маълум бўлмоқда.

Бир тасаввур қилиб кўрайлик, эндигина воёга етган ёш йигит-қизлар ўзи муҳтож бўлган меҳр-оқибат ва ғамхўрликни ўз оиласи ва яқинларидан тополмагач, маънавиятидаги бўшлиқни тўлдирishi илҳижда кўчага чиқади, дўстлар орттиришга уринади. Табиийки, ҳали яхшилиқ ва ёмонлиқни, оқ ва қорани ажратга олмайдиган ўсмир яхши гапирган одамнинг пинжиги қиради. Манфур ниётли инсонлар ундан ўз қабил мақсадларини амалга оширишда фойдаланадилар. Бу эса нафақат оила, балки миллат инкирозига ҳам олиб келиши мумкин.

Шундай экан, таълим ва тарбияда та-нафусга асло ўрин йўқ. Тараққиётни ва келажакни ўйлаган давлат борки, ёшларни китоб ўқигача, китобхоналар жамиятини барпо этишга алоҳида эътибор қаратади. Муддао аниқ – соғлом тафаккурли оила, билимли ва ақлли авлоднинг воёга етказиш учун ёшлар ўртасида китоб мутолаасига иштиёқни кучайтириш лозим. Қўлида сарфтон ёки планшет эмас, китоб тутган боланинг дунёқарашини кенг, тафаккурли юксак бўлади, турли ўйинлар гирдобига тушмайди.

Келажак ёшлар қўлида экан, уларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, миллий қадриятларимизни эъзозлаш ва она Ватанга садоқат руҳида тарбиялаш барчамизнинг энг устувор вазифамиздир!

## КОРРУПЦИЯ – ЖАМИЯТ ИЛЛАТИ, ТАРАҚҚИЁТ КУШАНДАСИ

Нега кейинги пайтларда коррупция тўғрисида кўп гапирляпти, оммавий ахборот воситалари орқали чиқишлар қилинмоқда? Сабаби, бу жамият иллатига қарши қанчалик курашилмасин, салбий ҳолатлар ҳали ҳануз содир бўлиб турибди.

Мамлакатимизда 2017 йил 3 январда "Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида"ги Қонун қабул қилинган. 34 моддадан иборат ушбу ҳужжатда коррупция атама-сига таърифдан тортиб, унга қарши курашиш, ваколатли органлар ва уларнинг вазифалари, коррупцияга қарши жавобгарлик, бу масалада халқаро ҳамкорлик каби барча муҳим жиҳатлар қайд этилган.

Мазкур Қонуннинг 3-моддасига кўра, коррупция – шахснинг ўз мансаб ёки хизмат мавқеидан шахсий манфаатларини ёхуд ўзга шахсларнинг манфаатларини кўзлаб моддий ёки номоддий наф олиш мақсадида қонунга хилоф равишда фойдаланиши, худди шунингдек, бундай нафни қонунга хилоф равишда тақдим этишидир.

Коррупцияга қарши курашиш бўйича фаолиятни бевосита амалга оширувчи давлат органлари Бош прокуратура, Давлат хавфсизлик хизмати, Ички ишлар вазирлиги, Адлия вазирлиги, Бош прокуратура ҳузуридаги Иқтисодий жиноятларга қарши курашиш департаменти бўлиб, бу ҳуқуқ-тартибот органлари зиммасига коррупция билан боғлиқ жиноятлар бўйича тезкор-қидирув фаолиятини, суриштирувни ва дастлабки терговни амалга ошириш, жисмоний ва юридик шахсларнинг коррупция фактларига доир муурожаатларини кўриб чиқиш ҳамда уларнинг бузилган ҳуқуқларини тиклаш ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш каби тегишли вазифалар юклатилган.

Давлат органлари ходимларининг коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар фактлари тўғрисида хабар қилиш мажбурияти шундан иборатки, уларни коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар содир этишга қўндириш мақсадида бирор-бир шахс ўзларига муурожаат этганига доир барча ҳоллар тўғрисида, шунингдек, давлат органларининг бошқа ходимлари томонидан содир этилган шунга ўхшаш ҳуқуқбузарликларнинг ўзларига маълум бўлиб қолган ҳар қандай фактлари ҳақида ўз раҳбарини ёхуд ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларни хабардор этиши шарт.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар тўғрисида ахборот бераётган шахслар давлат ҳимоясида бўлади.

Коррупцияга оид ҳуқуқбузарликлар натижасида қабул қилинган қарорлар манфаатдор шахснинг ари-засига кўра ваколатли давлат органи, бошқа ташкилот ёки мансабдор шахс томонидан беқор қилиниши ёхуд ўзгартирилиши ёки суд тартибда ҳақиқий эмас деб топилиши мумкин.

Иброҳимжон ТУРСУНОВ,  
Ўзбекистон туманлараро иқтисодий суди раиси.

### ЖУРНАЛИСТ МУНОСАБАТ БИЛДИРАДИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

– Ўтган йилда КРП тизими бўйича 25 та 71 баллгача бўлган кўрсаткич қайд этилди. Бунинг 17 таси ҳозирги кунда мавжуд вакантлар ҳисобига тўғри келди. 1 нафар ҳоким ёрдамчиси соғлиғи туфайли, 3 нафари янги тайинлангани боис, баҳолаш мезонидаги талабларни тўла бажара олмади, 4 нафарининг ҳақиқатан самарадорлик кўрсаткичи паст бўлди, – дейди вилоят маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш бошқармаси бошлиғи Санжар Усмонов. – "Қизил чизик" қа тушган ҳоким ёрдамчиларини ишдан бўшатиш масаласи бўйи-



## ҲОКИМ ЁРДАМЧИЛАРИ АҲОЛИНИНГ ЯҚИН КЎМАКЧИСИГА АЙЛАНДИ (МИ?)

ча вилоят ва туман ҳокимларига тақдимнома киритилиб боришмоқда. Рейтинг бўйича юқори балл олганлар эса рағбатлантирилиб, давлат муко-фотларига тавсия қилинмоқда. Ўтган даврда самарали фаолият юритган 56 нафар ҳоким ёрдамчилари юқори ла-возимларга тайинланди. КРП баҳолаш тизимида 90 балдан юқори олган хо-димлар маошига 50 фоиз миқдорда устама қўшиб берилляпти.

Таъкидланганидек, айрим ҳоким ёрдамчиларининг кредит, субсидия, ер олиб бераман деб фуқароларга қуруқ ваъда бераётгани ачинарли. Бу каби салбий ҳолатлар учраб турган бўлса-да, маҳалладаги хонадонларга бирма-бир кириб, фуқароларнинг истаги, оилаларнинг иқтисодий аҳолини ўрганиб, уларга кўмак бераётган вилоятдаги ҳоким ёрдам-чилари фаолиятини ижобий баҳолаш мумкин.

Биргина 2023 йилнинг ўзида аҳолини иш билан таъминлаш ва тадбиркорликка жалб қилиш орқали 421 минг 800 нафар фуқаролар даромади меҳнат билан таъмин-ланди, 224 минг нафар аҳоли доимий иш жойларига, 12 минг 300 нафари ҳақ тўланадиган жамоат ишлари-га, 123 минг 400 нафари ўзини ўзи банд қилган шахс сифатида давлат рўйхатидан ўтказилди. 9 минг 500 на-

фар фуқаро яқка тартибдаги фаоли-ятини ташкил этиш ҳисобига, 8 минг 900 нафари юқори балл олганлар эса рағбатлантирилиб, давлат муко-фотларига тавсия қилинмоқда. Ўтган даврда самарали фаолият юритган 56 нафар ҳоким ёрдамчилари тавсияси асосида 43,7 мингта лойиҳага 800,3 млрд. сўм кредитлар ажратилди.

Дарвоқе, ҳоким ёрдамчиси лаво-зим жорий этилгач, шаҳар-туман ҳокимлари "юки" анча енгиллашди, қўйи тизимга ислохотлар етиб бори-ши осонлашди. Эндиликда ҳар бир маҳаллада уларнинг ёрдамчилари, ишончли вакиллари бор.

– Бу лавозимга тайинлани-шимдан олдин туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари эдим, – дейди Тошлоқ тумани "Ахшак" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Муҳриддин Бо-тиров. – Дастлаб худуддаги 4655 нафар фуқароларни хатловдан ўтказиб, уларни тўрт тоифага бўлдим ва шу асосда ишлашга киришдим. Ҳозирда асосан, да-ромади кам ва ишсиз фуқаролар билан жиддий шуғулланяпман. Ўз бизнесини юритмоқчи бўлган маҳалладошларимизга "Ҳар бир оила – тадбиркор" дастури бўйича кредит ва субсидия олишлари-га яқиндан кўмаклашяпман. Ўтган йил-да 15 та микролойиҳа ишлаб чиқиш

орқали 70 га яқин янги иш ўринлари яратилди, 65 та оила камбағалликдан чиқди. 39 нафар фуқарога имтиёзли тартибда 946 миллион сўм кредит ажратилди.

Қувасой шаҳар "Пақана" маҳалла фуқаролар йиғинидаги ҳоким ёрдамчиси Муслим-бек Юсуповнинг сўзларига қараганда, у муаммоларни "хо-надонбай" ўрганади. Фуқаролар ўз муаммосини унга ишониб айтишяпти, муаммоларга ечим топиляпти. Аҳоли билан до-имий мулоқотда. Ҳатто "telegram" ижтимоий тармоғида гуруҳ очган. Ким қайси масалада кийинчиликка учраётган бўлса, дарров хабардор бўлади ва тегишли чора қўришга ҳаракат қилади.

Бугун давлатимиз раҳбари маҳаллалардаги ишончли ва-киллардан виждонан ишлашни, халқпарварликни талаб қилиб, уларга ишонч билдираётган экан, шунчаки кун ўтказиш, сохта маълумотларни қоралаб қўйиш билан узокқа бориб бўлмайди. Бундай иш тутуми охир-оқибат юзни шувут қилади.

Муаттар  
МАҲМУДОВА.

### Сув – "сувтекин" эмас

## БЕФАРҚЛИК СУДГАЧА БОРИБ ЕТДИ

Ҳаётимизнинг ҳар бир кунинда сувга эҳтиёж сезамиз. Тоза ичимлик суви дунё бўйлаб глобал муаммога айланиб бораётгани сир эмас. Баъзан очик қолдирилган сув жұмрақлари, томорқаларни резина шланглар ёрдамида сугорилиши, ёз жазирасида хонадондаги бассейналари кунда, кунора тўлдириш, автомашиналарни ювиш каби кун-далик ишларга анча-мунча ичимлик суви исроф бўлаётганига гувоҳ бўляпмиз.

Сув – "сувтекин" эмас, дейишади. Бу айни ҳақиқат. Сув ҳақини ўз вақтида тўлаётганлик эса уни иста-ганчалик сарфлаш, исроф қилиш дегани ҳам эмас. Ажабланирлиси, фойдаланилган сувнинг ҳақини ўз вақтида тўламайдиганлар ҳам жуда кўп.

Яқинда Ўзбекистон савдо-саноат палатаси Фар-ғона вилоят ҳудудий бошқармаси, "Фарғона сув таъ-миноти" масъулияти чекланган жамияти Қўқон шаҳар мактаб ва мактабгача таълим бўлимига қарашли 3-умумтаълим мактаби ҳисобидан 65 093 899 сўм зарарини ундиришни сўраб Қўқон туманлараро иқтисодий судига муурожаат этган.

Унда келтирилишича, даввогар масъуллари 3-умумтаълим мактабида ўрганиш олиб бораганда, сув ҳисоблагичнинг носозлиги, ичимлик тармоғига ўзбошимчалик билан уланиб олинигани аниқланган ва далолатнома тузилган. Зарарини қоплаш ҳақида та-

лабнома юборилган. Бироқ таълим муассасаси бунга бефарқ қарагани боис, иш судгача етиб келган.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 68-моддасида "Ер, ер ости бойлиқлари, сув, ўсимлик ва ҳайвонот дунёси ҳамда бошқа табиий ресурслар умуммиллий бойлиқдир, улардан оқилона фойда-ланиш зарур ва улар давлат муҳофазасидадир", деб кўрсатилган.

Дахлдор ҳужжатларга мувофиқ, "Фарғона сув таъ-миноти" масъулияти чекланган жамияти фойдасига Қўқон шаҳар мактабгача ва мактаб таълими бўлими тасарруфидоги 3-умумтаълим мактаби ҳисобидан зар-рар тўлиқ ундирилди.

Жорий йилнинг 5 январида давлатимиз раҳбарининг "Қуйи бўғинда сув ресурсларини бошқариш тизимини такомиллаштириш ҳамда сув ре-сурсларидан фойдаланиш самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Қарорда ҳам сув ресурсларидан фойдаланиш самара-дорлигини ошириш, сувдан фойдаланиш мадания-тини юксалтириш орқали аҳоли онгиди шаклланган "сув – текин" тушунчасидан воз кечиш ҳамда сувни тежайдиган сугорилиш технологияларини кегайтирил-ган тартибда жорий этишни давом эттириш мақсади кўзда тутилган.

Ж.ЭРГАШЕВ,  
Қўқон туманлараро иқтисодий суди раиси.

## ЕРИДАГИ «ТУГУНЧАЛАР»

Сўгал – терининг шилинган, чақаланган, кўп терлайдиган жойла-рида пайдо бўладиган вирусли касаллик бўлиб, оддий, ясси, ўткир учли ва товон турлари учрайди. У юқумли бўлиб, асосан қўлда, юзда, лаб қизил хошияси бурчагига яқин соҳада, жуда кам ҳолларда оғиз шиллик пардасида учрайди.

"Тугунчалар" тери юзидан анча кўтарилган, кўнғир ёки тери рангида бўлади. Сақланувчи йирик сўгалда сўргичсимон ўсимта бўлиб, юзаси муғузланиб ўради. Ясси сўгал кўпроқ болалар ва ёшларда кузатилади. Ўлчамлари 3 мил-лиметр гача бўлган, ясси тери сатҳида биров кўтарилган, кўпинча полигонал шаклидаги туғунчалардан иборат.

Сўгални ўзбошимчалик билан даволаб бўлмайди. Бундай ҳолатда, албатта, шифокорга муурожаат этиш зарур. Ҳозирги кунга келиб ушбу касалликни за-монавий лазер аппарати ёрдамида ва суьолтирилган азот орқали ҳам даволаш йўлга қўйилган.

Ҳар қандай касалликнинг келиб чиқмаслиги учун, энг аввало, шахсий гиги-ена қоидаларига риоя қилиш зарур. Показалик саломатликнинг асоси саналади, албатта.

Аброр АҲРОРОВ,  
Республика ихтисослаштирилган дерматовенерология ва косметология илмий маркази Фарғона филиали диспансери бўлим мудири, дерматовенеролог.



# «Кусто ороли»да

Кўлимдаги кўзгуни ботаётган кўёшнинг кучсиз бўлса-да, нурларига қия қилиб тўтдим. Кўёш нури кўзгуда "синиб" пўстлоқ устидаги "ип"ларга йўналди. Бир неча сониядан сўнг у "лоп" этиб ёнди. Дарҳол куруқ майда чўпларни оловга ташладим. Бир зумда улар қарсиллаб ёна бошлади. Хуанха Тин хайратдан лол қотди. Бир нималар деб менга таъзим қилдимни, ё сингидими, билмай қолдим.

– Э кўйсанг-чи, бундай қилингини, – дедим унга ўзбекчалаб. – Балиқни тозала, балиқни.

Хуанха Тин сўзларини тусунмас-да, балиқка ишорамни тусунди. Дарҳол балиқларнинг қоринни ёриб, тозалади ва чўпа санчди. Гулхан чўғини тўплаб, атрофига балиқни чўпларни ерга санчиб терди. Зум ўтмай балиқ жизиллаб овоз чикарди. Хиднинг ёқимлигини айтмайсизми?! Хуанха Тин оловни елтиган бўлди. Шундан сўнг балиқ сикланган чўпни айлантдириб, оловга терс томонини тутди.

Шу пайт кўёш бота бошлади. Осмонда бир парча ой кўринди. Хуанха Тин жизиллаб ёғи оқаётган балиқдан бирини менга тутди. Қарасам, ўзи жуда чакқонлик билан кўлидаги балиқ терисини

(Давоми. Боши аввалги сонларда).

банан арчандек арчди ва иштаҳа билан оғзига тикди. Мен унга эргашдим. Балиқ гўшти хил-хил бўлиб кетибди. Елкасидаги ёғи эриб, гўштира синибди. Мазасини асти қўйверасиз!..

Хуанха Тин ҳа деганда ўрмон томонни кўрсатиб, нималардир дерди. Мен уни тахминан тусундим. У қабиласи ёнига бориши зарурлигини айтётган эди. Кўлимга чўп олиб кумга доира шаклини чиздим ва уни Хуанха Тинга кўрсатиб, бу сен дедим. Хуанха Тин ҳам кумга яна бир доира чизди-да, "бу сен" деди.

– Э ақлингга балли! Энди танишиб оламиз!

Шу топ хаёлимга бир фикр келди. Бармоғим билан ўзимни кўрсатиб, Ха-сан, дедим. Кейин уни кўрсатиб, Ху-сан, дедим бўғинлаб. Ва яна икки-уч такрорладим. Хуанха Тин қувониб кетди ва кўкрагига икки қўлини қўйиб, Ху-сан, деди. Мен:

– Ха, ха, – дедим қувониб, бош иргаб.

Шундан сўнг у кўксимга қафтларини босди. Аранг тилга кирди:

– Ха-сан!

– Ха, ха, баракалла Ху-сан, – дедим уни кучиб.

Хар ҳолда биз "танишиб" олгандик.

Энди мен кумдаги икки доира атрофига ўнлаб доиралар чизиб ташладим ва бир уларни, бир ўрмон



томонга ишора қилиб узоқларни кўрсатдим.

– Қа-би-ла, – дедим.

Хусан ҳам гўё тусунгандек доиралар ва узоқларни кўрсатиб, "қа-би-ла" деди. Буни бир неча бор такрорлагач, сўз маъносини тусунди шеклиди, энди қатъият билан баланд овозда ўзи ва мени Ху-сан, Ха-сан ва ўрмонни кўрсатиб, қа-би-ла, деди.

Шу тариқа яна йўл, сув, ўрмон каби бир неча сўзлар маъносини ўргатдим унга. Энди у икки, уч сўзни жуфтлай оларди.

– Хусан, ўрмон, қабила, – деди менга. Кейин кумга бир неча доира чизиб, – қабила, Хусан, Хусан, Хуан, Хуан, – деди мени ва гидропланда олиб келинган юкларни кўрсатиб.

Хусан қабиладолларидан уч-тўрт нафарини чақириб келиб, баҳайбат даррахт остига уюб қўйилган

халталарни бериб юбормоқчи эди. Мен маъқуллаб бош иргадим. Хусан уни тусунганимга хурсанд бўлди ва қоп-қоронғу ўрмон томон чопиб кетди. Мен эса сўнаётган гулхан ёнида ёлғиз қолдим.

Океаннинг мавжларини кучайди. Сув шовқини зўрайди. Назаримда сув қирғоқдан чиқишни жуда-жуда истамокда.

Ўрмоннинг хар тарафидан қуриллаган овозлар кела бошлади. Қурбақаларми?.. Йўқ, ўхшамаяпти, ёввойи қушларники бўлса керак. Шу пайт ёнимдаги шох-шаббалар қимирлаганини сездим. Қандайдир шарпа шитирлатганича ўтиб кетди. Тўсатдан юрагимга кўркүв тушди. Бу нима? Заҳарли илон бўлса-чи? Балки анакондадир? Мен билмаган жонзот бўлса-чи?! "Бўлса-чи?!" деган сўзни бас қилиб, ўрмондан туриб кетдим. Хусан келтирган ўтинлар орасидан

(Саргузашт-воқеий қисса)

биладек йўғонликдаги таёқни олдим, атрофни олазрак кузатдим. Эҳтимол, номаълум жонивор мендан чўчиб, жуфтани ростилагандир? Бўлиши мумкин!.. Ақлан шундай хаёлга борсам-да, вужудим япроқдек қалтирашда давом этарди. Аста сохил томон юрдим. Ие, анаву нима бўлди. Тўлқинлар катта тоғорадек жонзотларни қирғоққа улуктиргандек эди. Улар куруқлик томон судралай келяпти. Яқинроқ бордим. Ой нурида энди яққол кўринарди. Ха, денгиз тошбақаларини! Кўрққанга қўшалок кўринар, деганларидек, бекор ваҳимага тусибман. Булар ҳам Оллоҳ яратган жонивор. Денгиз тошбақаси биз билган, кўрган тошбақалардан эмас. У сувда ва куруқликда яшай олади. Куруқликка одатда тухум қўйгани чиқади. Устида қаттиқ суюқдан тоғораси бор, аммо боши тоғора ичига кирмайди, судралганда қанотга ўхшаш "кўл"ларига таянади. "Кусто ороли" денгиз тошбақаларининг қони экан. Об-хаво 30-32 даражада, кумдаги харорат ҳам кечаси кескин совуб кетмайди. Демак, бемалол тухум қўйверади.

"Хайванот олами"да кўрганман. Унда денгиз тошбақалари қирғоққа кундузи чиққан эди, кўз ўнгимда кўраётганларим эса тунда юз бераяпти. Қани эди бир жуфтани "боқиш" олсам, қайтишда набирамга олиб кетсам... Лекин икки киши аранг кўтариши мумкин бўлган бу ноёб жониворни, нима, орқалаб кетаманми?!

Қирғоққа чўккаладим. Океан томондан гоёт енгил ажиб бир шабада елди. Нафас олишим енгиллашди. Ёқимли, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб симирдим. Шу пайт тўлқин югурликлари оёғимгача етиб келди. Ха, сув сатхи кўтариляпти. Ўзи шунақа. Шамоли йўналишини қайси томонга ўзгартирса, сув сатхи ўша томонга кўтарилгандек бўлади. Йўқ, аслида сув сатхи тўлқинлар ҳаракатида қирғоқни "забт" этиб, янаям юқорилашади. Ҳозир ҳам шундай бўляпти.

Оёқ кийимимни ечиб, тўлқин

йўлига узатдим. Ярим тун. Наридоғи ўрмондан ёввойи қушлар, тунги капалакларнинг ғалати нағмалари эшитилмоқда. Океан суви ўйноқлаб, оппоқ қўмла қирғоққа чиқади-қайтади, чиқади-қайтади. Толиқмайди. "Сен бу ерларга қаерлардан келиб қолдинг, юр, уммон қаёқини томоша қилсан" дегандек оёқларимдан тортиқилади.

Ой нурида қирғоқда майда балиқлар тўпи кўринди. Улар гоҳ у ёнга, гоҳ бу ёнга қараб сузарди. Тўсатдан узунлиги бир кулоқ, кескир қанотли балиқ кўринди. Ақуланинг боласи, шекилли. У пайт пойлаб туриб майда балиқлар тўдасига ташланди. Тўда хар тарафга тўзиб кетди. Аммо кичик ақула ниятига етганиди. Ўғзи илашган балиқчаларни ютиш учун тепага бир сакради-ю, сув остига кириб, ғойиб бўлди. Энг қизғини, худди шу ерда яна бир майда балиқлар тўдаси пайдо бўлди. "Қочиб қутилган балиқчалар ўрнига, мана, биз ҳозирву нозиримиз!" дегандек. Во ажаб! Мўъжизани қаранг!..

Шу лаҳза уйимдаги қўйлар ёдимга тушди. Йил давомиди икки-учта қўй боқаман. Биттаси қўчқор, иккитаси совлиқ. Улардан кўзи олиб, яна боқаман. Тоши қирқ-эллик килога етганида, қассобга топшираман. Маҳалламизда даярли ҳаммининг уйда қўй бор. Сўйиб сотилаверади, сўйиб сотилаверади, лекин ҳеч қачон қамаймайди. Ўрнига ўрин қовларайди. Дарвоқе, "куёв бола" қўйларга қараяптимикан!..

Шу алфозда қанча ўтирдим, билмайман. Хар ҳолда тун ярмига келдиёв.

– Ха-сан! Ҳасан! – қичқириб овози келди ўрмон томондан. Қарасам, Хусан! Яқинлашяпти. Хув нарида яна уч-тўрт шарпа кўринди. Кўришмаганига минг йил бўлган кадрдонлардек кучоқлашди. Шунда унинг қувончдан қақнаган кўзларини кўрдим.

– Ху-сан, ўрмон, қа-би-ла, – деди у дона-дона қилиб. Сўнг, – Ху-сан ўрмон, Ха-сан, – деди бир нарсани қойил қилгандек иршайиб.

(Давоми келгуси сонларда).

## Турмуш чорраҳасида



**ШАХАРГА УЗОҚРОҚ ЖОЙДАН КЕЛИН БЎЛИБ ТУШГАНМАН.** Хар сафар туғилиб ўсган ота уйимга отланганимда, жамоат транспортда турфа хил тақдир эгалари билан ҳамроҳ бўлман. Йўл узок, бироқ инсонларнинг дарду ҳасратни борар манзилимиздан ҳам узундек туюлади, менга.

Одатдагидек, шундай кунларда ёши олтиншдан ошган онахон билан йўлимиз туташ бўлиб қолди. Афтидан у нимадандир норози эди. Бир оздан кейин дардини кимгадир тўқиб солмаса бўлмайдигандек гап бошлади:

– Учта келиним бор. "Бола – чаққоннинг бир қўлини, дангасанинг икки қўлини банд қилади", деганларидек, учаласининг ҳам ёши боласи бор, кун бўйи фақат бола билан овора бўлишади. Анчайин қариб қолганимга қарамай, ўзим уй юмушларини қилишга эрта тонгданоқ киришиб кетаман.

Бировнинг фарзандини уйингизда ушлаб, овозини чиқармай олиб ўтиришининг ўзи бўладики? "Келининг учта, нонуштаг тушқа", деганлари шу бўлса керак. Эрталаб ушқ йўлга чиқишимни ҳаммаси биларди. Бирортаси туриб, бир пилла чой тутай демеди. Болаларига қўшилиб, ухлаб ётишибди.

Ўғилларимга дардимни айтмай десам, эр-хотиннинг ўртасига совуқчилик тушиб қолишдан қўрқаман. Айтсам ҳам, хозирги ёш келинларга буридан ортиқ гап гапириб бўлмайди. Салгина танбехга ҳам ота уйига кетиб қолишади.

Қушнинг ҳам уяси бузилмасин, дейман-да. Ён қўшнларимнинг келинлари арзмаган мана шундай муаммоларни деб оиласини бузишгача боришди. Фарзандлар тирик етим. Уларни етим бўлишга сабаб бўлган ота ўз йўлида бошқа рўзгор тутди, она ҳам. Беайб фарзандлар эса меҳрга зор бўлиб ўсишяпти. Эртага улардан нима кутиш мумкин. Ахир меҳр-ку инсонни тўғри йўлга бошлайдиган.

Шуларни ўйлаб, келинларимнинг "қилиқ"ларига чидаб яшайман. Қорнимга эмас, қадримга хафа бўлиб кетаман. Қизларим йўқлиги боис, бор меҳрни келинларимдан кутгандим. Афсус... Қизи йўқнинг иши кийин экан...

Сизни танимаганим учун айтаяпман-да, аслида уйдаги гапни кўчага олиб чиққани ор қиламан. Майли, борларига шукур, ҳаммалари эсон бўлишсин, – дея сўзини тамомлади ҳамроҳим.

Мен бир-икки сўз айтиб, тасалли бергандай бўлдим. У навбатдаги бекатда туршиб қолгандан кейин ўйланиб қолдим. Аслида оилада меҳр-мухаббат ришталарини мустаҳкамлашда келинларнинг ўрни жуда муҳим. Ёшлигидан бор меҳрини бериб ўстирган ўғилларини келинига қўшқўллаб топширган онаизорнинг бир тутам меҳрга зор яшаши қанчалар тўғри?!

Оилавий ажримларнинг кўпчилиги айнан қайнона-келининг муносабати яхши эмаслигидан келиб чиқмоқда. Шу муносабатга бирозгина меҳр етишмаётгани кундек равшан.

Ҳамма бу оламда бахтга интилай яшайди. Ана шу бахтнинг қалити меҳрда эканлигини хар ким ҳам англаши қийин.

Муаттар ТУРГУНБӨЙ ҚИЗИ.

## "Қува донмаҳсулотлари" АЖ

2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилиши 2024 йил 19 март куни соат 14:00 да Фарғона вилояти, Қува тумани, Сарак кўчаси, 27-уй, "Қува донмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

- КУН ТАРТИБИ:**
1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
  2. Жамият қузатув кенгашининг 2023 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  3. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. 2023 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2024 йилда амалга оширилган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
  4. 2023 йил учун жамиятнинг ҳалқаро молиявий ҳисобот стандартларига мувофиқ тузилган молиявий ҳисоботини ҳамда халқаро аудит стандартларига мувофиқ 2023 йил учун ўтказилган аудит текшириш натижаларини кўриб чиқиш ва тасдиқлаш.
  5. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссияси ва ички аудитнинг 2023 йил фаолияти якунлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ, жамият бошқаруви раисининг ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари масалалари бўйича биринчи ўринбосарининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
  7. Жамиятда 2023 йил якунлари бўйича корпоратив бошқарув тизимини баҳолаш натижалари бўйича мустақил баҳоловчи ташкилот хулосасини кўриб чиқиш.
  8. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича олган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.
  9. Жамият Қузатув кенгаши ва тафтиш комиссияси аъзоларини сайлаш.
  10. Жамият бошқаруви раиси ва аъзолари билан тузилган меҳнат шартномасининг муддатини узайтириш.
  11. Жамиятнинг 2024 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудитор ташкилотини танлаш ва унга тўланадиган хизмат ҳақи чегарасини белгилаш.
  12. Жамиятнинг 2024 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.
  13. Жамиятнинг 2023 йилги баланси, молиявий ҳисоботини тасдиқлаш.
- Акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2024 йил 19 февраль ва 13 март. Акциядорларни рўйхатга олиш 2024 йил 19 март куни соат 13:00 да Фарғона вилояти, Қува тумани, Сарак кўчаси, 27-уй, "Қува донмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида амалга оширилади.
- Акциядорлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжат ва ишончли вакиллар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида келишлари сўралди. Умумий йиғилишга боғлиқ ҳужжатлар билан "Қува донмаҳсулотлари" АЖ Қимматли қоғозлар бўлимида танишиш мумкин.**
- Телефон: 90 301-95-90. Қузатув кенгаши.

## "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ

2023 йил молиявий-хўжалик якуни бўйича акциядорларнинг навбатдаги умумий йиғилишини 2024 йил 18 март куни, соат 09:00 да Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Отхона қишлоғи "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида ўтказилишини маълум қилади.

- КУН ТАРТИБИ:**
1. Умумий йиғилиш регламенти ва саноқ комиссияси таркибини тасдиқлаш.
  2. Жамият қузатув кенгашининг 2023 йилдаги ишлари бўйича ҳисоботини тасдиқлаш.
  3. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича йиллик ҳисоботи. Унда 2023 йилнинг асосий натижалари ҳамда 2024 йилда амалга оширилган долзарб вазифалар тўғрисида бошқарув раисининг ҳисоботини тасдиқлаш.
  4. 2023 йил учун Жамиятнинг ҳалқаро молиявий ҳисоботи стандартларига мувофиқ, 2023 йил учун ўтказилган аудит текшируви натижаларини кўриб чиқиш.
  5. Жамиятнинг 2023 йил якунлари бўйича молия-хўжалик фаолиятини текшириш натижалари юзасидан тафтиш комиссияси ва ички аудит хулосаларини кўриб чиқиш.
  6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 24 августдаги ПҚ-4426-сонли қарори талабларига мувофиқ, бошқарув раисининг ишлаб чиқариши маҳаллийлаштириш, саноатда кооперация алоқаларини кенгайтириш ҳамда ахборот технологиялари бўйича биринчи ўринбосарининг 2023 йил якунлари бўйича ҳисоботини эшитиш.
  7. Корпоратив кодекси талабларига мувофиқ, жамиятда 2023 йил якуни бўйича мустақил ташкилот томонидан ўтказилган корпоратив баҳолаш бўйича хулоса-сини тасдиқлаш.
  8. Жамиятнинг 2023 йил якуни бўйича олган соф фойдаси тақсимотини тасдиқлаш.
  9. Қузатув кенгаши, тафтиш комиссияси ва бошқарув аъзоларини сайлаш.
  10. Жамият бошқарув раиси билан тузилган меҳнат шартномаси муддатини узайтириш.
  11. Жамиятнинг 2024 йилги фаолиятини мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини белгилаш.
  12. Жамиятнинг 2024 йил учун тузилган бизнес-режасини тасдиқлаш.
- Акциядорлар реестрининг ёпилиш санаси 2024 йил 21 февраль. Навбатдаги умумий йиғилишда қатнашишга эга акциядорлар рўйхати 2024 йил 18 март ҳолатига беркитилади. Акциядорларни рўйхатга олиш 18 март куни, соат 08:00 да Фарғона вилояти, Бағдод тумани, Отхона қишлоғи, "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ мажлислар залида ўтказилади.
- Акциядорлар шахсларини тасдиқловчи ҳужжат, ишончли вакиллар тегишли тартибда расмийлаштирилган ишончнома асосида келишлари сўралди. Умумий йиғилишга боғлиқ ҳужжатлар билан "Бағдоддонмаҳсулотлари" АЖ Қимматли қоғозлар бўлимида танишиш мумкин.**
- Телефон: 91 323-71-40. Қузатув кенгаши.

**Улгуржи истеъмолчилар ва аҳоли диққатига!**

"Қиргули Иссиқлик манбаи" маъмулият чекланган жамияти халқ депутатлари Фарғона вилоят Кенгашининг 66-сессиясида муҳокама қилиниб, вилоят ҳокимининг 2024 йил 17 февралдаги 103-11-0-Қ/24-сонли қарори билан тасдиқланган иссиқлик энергиясининг янги тариф нархларини маълум қилади.

ушун — 466 448,6 сўм (ҚҚС билан),  
1 Гкалл нарх аҳоли учун — 78 650,0 сўм (эски тариф нархи сақлаб қолинди).  
Шу жумладан, иссиқлик энергияси (отопления) 1 метр квадрат учун бир кунга — 136 сўм.  
Аҳоли учун 1 метр куб иссиқ сув учун — 4404 сўм.  
Иссиқлик сув ҳисоблагич бўлмаган чоғда 1 киши учун бир ойга — 27724 сўм.  
**Мурожаат учун телефон: 90 848-09-09.**  
**"Қиргули Иссиқлик манбаи" МЧЖ.**

Бизнинг манзил: 150114, Фарғона шаҳар, Сохибқирон Темур кўчаси, 28-уй.  
Бош муҳаррир қабулхонаси: (факс) 73 226-02-70.  
Реклама ва эълонлар: 73 226-71-24.

Саҳифаловчи: Асилбек Қудратов.  
Босилган топшириш вақти: 18.00.  
Топширилди: 16.30.

МУАССИС: "Farg'ona haqiqati" va "Ferganskaya pravda" gazetalarini tahririyati

2021 йил 18 августда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси хузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги Фарғона вилояти ҳудудий бошқармасида 12-001 рақами билан рўйхатдан ўтган.

Газета "Полиграф-пресс" МЧЖ босмаҳонасида тахририятнинг оригинал макети асосида офсет усулида А-2 формат (4 саҳифа)да 3336 нусхада chop этилди.  
Буюртма: 122.

Газета жума куни чиқади.

★ Баҳоси келишилган нархда. ★ Навбатчи муҳаррир: Махияра Бойбобоева.